

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### **14 Чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификати бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон қарорига мувофиқ, шунингдек Чет тилини билиш даражасини баҳолаш ва сертификатлаш миллий тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификати бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги малака сертификатининг давлат намунаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаш-тирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 31 декабрь,  
352-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 31 декабрдаги 352-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака  
сертификати бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ–1875-сон қарорига мувофиқ чет тилларни билиш даражасини аниқлаш ва давлат намунасидаги малака сертификатини бериш тартибини белгилайди.

2. Чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва давлат намунасидаги малака сертификати (кейинги ўринларда Сертификат деб аталади) бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда Давлат тест маркази деб аталади) томонидан, пулли асосда амалга оширилади.

Чет тилини билиш даражасини аниқлаганлик ва Сертификат берганлик учун талабгор томонидан ариза берилган кундаги энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравари миқдоридан тўлов ундирилади.

3. Сертификат тест синовлари яқунлари бўйича энг юқори баллнинг камида 60 фоизини тўплаган шахсларга 3 йил муддат билан берилади.

**II. Чет тилини билиш даражасини аниқлаш**

4. Чет тилини билиш даражаси тест синовлари ўтказиш йўли билан аниқланади, у қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

а) «аудиалаш» бўлими — оғзаки нутқни қабул қилиш кўникмаларини, эшитилган матнлардаги асосий фикр ва детални тушуниш маҳоратини текширади;

б) «ўқиш» бўлими — ярим аутент ва аутент матнларни тушунишни, ўқилган матнлардаги асосий фикр ва детални тушуниш маҳоратини текширади;

в) «лексика ва грамматика компетенцияси» бўлими — грамматик тузилишни ва луғат захирасини фарқлаш ҳамда улардан тўғри фойдаланиш маҳоратини текширади;

г) «хат» бўлими — тегишли даражадаги грамматик тузилишдан ва луғат захирасидан фойдаланган ҳолда берилган мавзулар бўйича бир-бири билан боғланган матнлар тузиш маҳоратини текширади;

д) «сўзлаш» бўлими — тегишли даражадаги грамматик тузилишдан ва луғат захирасидан фойдаланган ҳолда, берилган саволларга мос жавоб бериш ва ўз нуқтаи-назарини асослаш маҳоратини текширади.

5. «Аудиалаш», «ўқиш», «лексика ва грамматика компетенцияси» бўлимларининг ҳар бири 30 та саволдан иборат бўлади, «хат» бўлими А2, А2+, В1, В1+, В2 даражалари учун иккита ёзма топшириқдан, С1 даражаси учун учта ёзма топшириқдан (даражага боғлиқ ҳолда биринчи топшириқ — 30 — 150 та сўздан, иккинчи топшириқ — 50 — 250 та сўздан, учинчи топшириқ — 80 — 100 та сўздан), «сўзлаш» бўлими топшириқларнинг учта туридан иборат бўлади.

6. Тест синовини ўтказиш учун топшириқлар Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартига мувофиқ ҳар бир даража (А2, А2+, В1, В1+, В2, С1) учун Давлат тест маркази томонидан ишлаб чиқилади.

7. Чет тилини билиш даражасини аниқлаш юзасидан талабгорларни тест синовига мустақил тайёрлаш учун зарур материаллар Давлат тест маркази сайтига жойлаштирилади.

8. Тест синовини ўтказиш тартиби Давлат тест маркази томонидан аниқланади.

### **III. Чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича тест синовини ташкил этиш**

9. Талабгор чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва Сертификат бериш мақсадида тест синовида қатнашишга рўйхатдан ўтиш учун Давлат тест марказига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза;

шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома) нусхаси;

3,5 x 4,5 см ўлчамли рангли фотосурат;

чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификати олиш учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

10. Талабгор ҳужжатларни шахсан тақдим этиши ёки буюртма хат билан почта орқали жўнатиши мумкин.

Талабгорнинг тушган ҳужжатлари Давлат тест маркази томонидан уч иш куни мобайнида кўриб чиқилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлганда ва тўғри расмийлаштирилганда талабгор рўйхатдан ўтказилади ҳамда тест синовига қўйилган талабгорлар рўйхатига киритилади. Рўйхатдан ўтказишда талабгорга тест синовидан ўтиш қоидалари тўғрисидаги эслатманома берилади.

Зарур ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда ёки улар зарур даражада расмийлаштирилмаганда Давлат тест маркази бу тўғрида талабгорга хабар қилади. Талабгор бир ҳафта мобайнида ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ва уларни Давлат тест марказига тақдим этиш ҳуқуқига эга.

11. Тест синовига қўйилган талабгорлар рўйхати, уни ўтказиш санаси ва жойи тўғрисидаги ахборот Давлат тест марказининг сайтида эълон қилинади. Тест синовини ўтказиш санаси у ўтказиладиган кундан бир ҳафтадан

кечикмай эълон қилинади. Тест синовини ўтказиш жойи ва санаси Давлат тест маркази томонидан аниқланади.

12. Тест синови гуруҳларнинг шакллантирилишига қараб, лекин талабгор рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб олти ҳафтадан кечикмай ўтказилади.

30 кишидан кўп бўлмаган гуруҳлар Давлат тест марказида қуръа ташлаш йўли билан шакллантирилади.

13. Тест синови бланкаларда ёки компьютерда, тегишли дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Интернет тармоғи орқали масофадан ўтказилади. Тест синови имтиҳон комиссияси аъзолари ва кузатувчилар иштирокида ўтказилади.

Тест синови бланкаларда икки босқичда ўтказилади: биринчи босқич «аудиалаш», «ўқиш», «лексика ва грамматика компетенцияси», «хат» бўлимларидан иборат бўлади, иккинчи босқичга «сўзлаш» киради.

Тестни тегишли дастурий танловдан фойдаланган ҳолда компьютерда ўтказиш барча бўлимларни қамраб олган ҳолда бир босқичда амалга оширилади.

Интернет тармоғи орқали масофадан тест синови Интернет тармоғидан фойдаланадиган давлат таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказларида ўтказилади. Тест синови Давлат тест маркази ходимининг раҳбарлигида ва кузатувида ўтказилади. Талабгорлар Давлат тест маркази сайти орқали тизимда рўйхатдан ўтказилади ва улар бажариш учун тест синови топшириқларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишади. Талабгорларнинг тест синови топшириқларига жавоблари автоматик равишда, «он-лайн» режимида Давлат тест марказининг маълумотлар базасига текшириш учун юборилади.

Тест синови вақтида ҳар бир иш жойида бир нафар талабгор ўтиради. Тест синовини ўтказиш жараёни видеога туширилади.

14. Тест синовини ўтказиш учун таълим тизими муассасалари педагоглари кузатувчилар сифатида шартнома асосида жалб этилади.

15. «Аудиалаш», «ўқиш», «лексика ва грамматика компетенцияси», «хат» бўлимлари бўйича билимлар махсус дастурлар ёрдамида компьютерда текширилади. «Хат» ва «сўзлаш» бўлимлари бўйича билимлар имтиҳон комиссияси томонидан текширилади, натижалари протокол билан расмийлаштирилади.

Имтиҳон комиссияси таркиби Давлат тест маркази директорининг буйруғи билан тасдиқланади, унга Давлат тест маркази ходимлари ва тажрибали педагоглар киритилади.

16. Талабгор тест синовига шахсини тасдиқловчи ҳужжатни (паспорти, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани) кўрсатган тақдирда қўйилади.

Талабгор кечиккан тақдирда тест синовига қўйилмайди. Агар талабгор тест синовига узрли сабабга кўра (тегишли ҳужжат билан тасдиқланганда) келмаганда унинг аризаси асосида унга бошқа вақтда тест синовидан ўтишга рухсат этилади. Тест синовини бошқа вақтга кўчириш тўғрисидаги қарор Давлат тест маркази томонидан қабул қилинади.

17. Тестни ўтказиш вақти:

A2, A2+ даражаси учун — «аудиалаш», «ўқиш», «лексика ва грамматика компетенцияси», «хат» учун — 150 дақиқани, сўзлаш учун — 10 дақиқани;

B1, B1+ даражаси учун — «аудиалаш», «ўқиш», «лексика ва грамматика компетенцияси», «хат» учун — 185 дақиқани, сўзлаш учун — 15 дақиқани;

B2 даражаси учун — «аудиалаш», «ўқиш», «лексика ва грамматика компетенцияси», «хат» учун — 200 дақиқани, сўзлаш учун — 15 дақиқани;

C1 даражаси учун — «аудиалаш», «ўқиш», «лексика ва грамматика компетенцияси», «хат» учун — 210 дақиқани, сўзлаш учун — 20 дақиқани ташкил қилади.

Тест синови ҳар бир бўлимнинг энг юқори баҳоси 30 баллни ташкил қилади.

18. Тест синови ўтказилаётган аудиторияга ҳар қандай адабиётни, телекоммуникация ва техника воситаларини олиб кириш мумкин эмас. Тест синови ўтказилаётган вақтда бошқа талабгорлар билан мулоқот қилишга, саволлар китоби varaқларини йиртиб олишга, саволлар китобини бошқа талабгорларга беришга, тест синовини ўтказиш жараёнига халақит беришга руҳсат этилмайди. Ушбу талабларни бузган талабгор аудиториядан чиқариб юборилади ва тест синовидан ўтмаган деб ҳисобланади. Аудиториядан чиқариб юбориш ушбу Низомнинг 2-иловасидаги шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади.

19. Узрсиз сабабга кўра тест синовига кечикканлик ёки келмаганлик, тест синови қоидаларини бузганлик учун аудиториядан чиқариб юборилган тақдирда тўланган тўлов талабгорга қайтарилмайди.

20. Тест синовлари натижалари улар ўтказилган кундан бошлаб икки ҳафтадан кечикмай Давлат тест маркази сайтида эълон қилинади.

21. Тест синови яқунлари бўйича энг юқори баллнинг 60 фоизидан кам балл олган талабгор тест синовида қатнашиш учун, лекин тест синови натижалари эълон қилинган кундан бошлаб камида бир ойдан кейин, чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва Сертификат бериш учун тўлов тўланган тақдирда, ҳужжатларни такроран тақдим этиш ҳуқуқига эга.

#### **IV. Апелляцияларни кўриб чиқиш тартиби**

22. Тест натижаларидан норози бўлган талабгор Давлат тест марказига апелляция тақдим этиш ҳуқуқига эга. Апелляция тест синови натижалари эълон қилинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида, ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича ёзма ёки электрон шаклда тақдим этилади.

23. Апелляцияни кўриб чиқиш учун Давлат тест маркази директорининг буйруғи билан 5 — 7 нафар Давлат тест маркази ходимлари ва таълим тизими педагогларидан иборат бўлган Апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция икки ҳафта мобайнида кўриб чиқилади. Талабгорнинг хохи-

шига кўра у берилган апелляцияни Апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқишда қатнашиши мумкин. Талабгор Апелляция комиссияси қарори тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилинади.

24. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

тест синовини натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляциянинг қондирилишини рад этиш;

тест натижаларини бекор қилиш ва такрорий тест синовини ўтказишни тайинлаш.

Агар кўрсатилган далиллар тасдиқланмаса апелляциянинг қондирилишини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Тест синовини натижаларини бекор қилиш тўғрисидаги қарор у ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда ўтказилган тақдирда қабул қилинади. Апелляция комиссиясининг қарорлари ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича расмийлаштирилади.

Талабгорни такрорий тест синовидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Давлат тест маркази тест синовини ўтказиш санасини тайинлайди, тест синовини такроран ўтказишда тўлов ундирилмайди.

25. Такрорий апелляцияга йўл қўйилмайди.

#### **V. Чет тилини билиш даражаси тўғрисида давлат намунасидаги малака сертификатини бериш тартиби**

26. Тест синовидан муваффақиятли ўтган талабгорга тест синовини натижалари эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта мобайнида, Давлат тест маркази буйруғи асосида Сертификат берилади.

27. Сертификат унинг тўғрисида қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Бланкалар Давлат тест маркази буюртмасига биноан, босмаҳона усулида «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади. Давлат тест маркази директори сертификатлар бланкаларининг ҳисобга олиниши, уларнинг сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан белгиланган тартибда шахсан жавоб беради.

28. Давлат тест маркази сертификатлар реестрини юритади.

Сертификатлар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

талабгорнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

паспортнинг маълумотлари (серияси ва тартиб рақами, паспортнинг ким томонидан ва қачон берилганлиги) ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома-си маълумотлари (тартиб рақами, гувоҳноманинг ким томонидан ва қачон берилганлиги);

Давлат тест марказининг сертификат бериш тўғрисидаги буйруғининг санаси ва тартиб рақами;

Сертификатнинг ҳисобга олиш серияси ва тартиб рақами;

Сертификатнинг берилган санаси;

Сертификатнинг амал қилиш муддати.

29. Сертификат паспорт кўрсатилган тақдирда, шахсан талабгорга ёки талабгорнинг нотариал тасдиқланган ишончномаси асосида бошқа шахсга берилади.

30. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган Сертификат ўрнига талабгорнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Сертификат эгаси малака Сертификати йўқолганлиги тўғрисида матбуотда эълон беради ҳамда Давлат тест марказига дубликат бериш тўғрисидаги ариза ва дубликат берилганлиги учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга матбуотдаги эълоннинг тасдиғини тақдим этади.

Сертификат дубликати малака Сертификатининг янги бланкасида «Дубликат» ёзуви мажбурий кўрсатилган ҳолда, айнан олдинги тартиб рақами ҳамда илгари белгиланган амал қилиш муддати билан берилади.

Яроқсиз ҳолга келган Сертификат Давлат тест марказига қайтарилади.

Малака Сертификатининг дубликати берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

Чет тилини билиш даражасини аниқлаш  
ва малака сертификати бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**АРИЗА**

Аризанинг ушбу шакли тўлиқ тўлдирилиши зарур.														
1. ТИЛНИ ВА ТЕСТ СИНОВИ ДАРАЖАСИНИ КЎРСАТИНГ														
Инглиз	<input type="checkbox"/>	A2	<input type="checkbox"/>	A2+	<input type="checkbox"/>	B1	<input type="checkbox"/>	B1+	<input type="checkbox"/>	B2	<input type="checkbox"/>	C1	<input type="checkbox"/>	
Француз	<input type="checkbox"/>													
Немис	<input type="checkbox"/>													
2. ШАХСГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР														
Фамилияси:			Жинси:	Эр <input type="checkbox"/>		Аёл <input type="checkbox"/>								
Исми:			Туғилган санаси:		/		/							
Отасининг исми:														
Манзил (тўлиқ тўлдилинг)			Паспортнинг серияси ва тартиб рақами (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома):											
Кўча ва уйнинг тартиб рақами:			Берилган вақти:		/		/							
Туман:			Ким томондан берилган:											
Шаҳар:			/	/	гача ҳақиқий									
Почта индекси:														
Уй телефони:			Қўшимча телефон:											
Мобил телефон:			Электрон почта:											
3. МАЪЛУМОТИ														
Умумий ўрта <input type="checkbox"/> Ўрта махсус, касб-ҳунар <input type="checkbox"/> Олий <input type="checkbox"/>														
4. ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ (ўқийди ёки тамомлаган)														
Ўқув юртининг номи	Шаҳар/Вилоят	Мутахассислик	Кирган санаси (йил/ой)	Тамомлаган санаси (йил/ой)										
			/	/	/									
			/	/	/									
5. ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР														
Тест синовларида қатнашиш учун Сизда соғлиқнинг ҳолати бўйича алоҳида талаблар борми? <span style="float: right;">Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></span>														
Агар «Ҳа» деб жавоб берсангиз, қандай талаблар эканлигини кўрсатинг.														
_____														
Мен тест синови тартиб-қоидаси билан танишдим. <span style="float: right;">Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></span>														
Имзо: _____ Берилган санаси: / /														
ДТМ хизматда фойдаланиш учун (бу ерга ёзманг!)														
Ариза №			Ариза шаклини қуйидаги манзилга жўнатинг:											
Қабул қилинган санаси:			Давлат тест маркази											
Ариза берилган жой:			Тошкент шаҳри, 100202, Боғишамол кўчаси, 12											
Тест синови санаси:			эл. почта: <a href="mailto:nafn@dtm.uz">nafn@dtm.uz</a>											

Чет тилини билиш даражасини аниқлаш  
ва малака сертификати бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Тест синовидан четлатиш тўғрисида  
ДАЛОЛАТНОМА**

Ўтказиш жойи: \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Бино \_\_\_\_\_ Қават \_\_\_\_\_ Хона \_\_\_\_\_ Гуруҳ \_\_\_\_\_

Биз, қуйида имзо қўювчилар, талабгор \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, отасининг исми)

махсус код \_\_\_\_\_ жавоблар варақаси тартиб рақами \_\_\_\_\_  
У \_\_\_\_\_

(қоида бузилиши кўрсатилсин)

сабабли \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ дақиқада тест синовидан четлатилганлигини  
тасдиқлаймиз.

1. Аудитория раҳбари: \_\_\_\_\_ Имзо: \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, отасининг исми)

2. Кузатувчи: \_\_\_\_\_ Имзо: \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, отасининг исми)

3. Бино (қават бўйича)  
ДТМ вакили: \_\_\_\_\_ Имзо: \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, отасининг исми)

**2 (606)-сон**

**— 13 —**

**14-модда**

Чет тилини билиш даражасини аниқлаш  
ва малака сертификати бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест  
марказининг Апелляция комиссияси  
раисига

\_\_\_\_\_ дан  
(Талабгорнинг Ф.И.О.)

**АПЕЛЛЯЦИЯ ТЎҒРИСИДА АРИЗА**

Талабгорнинг  
махсус коди: \_\_\_\_\_

Жавоблар варақасининг  
тартиб рақами: \_\_\_\_\_

Чет тили: \_\_\_\_\_

Қуйидаги даъволарни кўриб чиқишингизни илтимос қиламан:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Талабгорнинг имзоси: \_\_\_\_\_ Шакл тўлдирилган сана: \_\_\_\_\_

Бланканинг рўйхатдан  
ўтказиш тартиб рақами: 0000000

----- (қирқиш чизиғи) -----

**Апелляция тўғрисидаги ариза қабул  
қилинганлиги тўғрисидаги  
ХАТ-ТАСДИҚНОМА**

Талабгорнинг  
Ф.И.О.: \_\_\_\_\_ Талабгорнинг  
махсус коди: \_\_\_\_\_

Талабгорнинг имзоси: \_\_\_\_\_ Шакл тўлдирилган сана: \_\_\_\_\_

Аризани қабул қилиб олувчи  
масъул шахснинг Ф.И.О.: \_\_\_\_\_

Имзо: \_\_\_\_\_ (М.Ў.) Апелляция қабул  
қилинган сана: \_\_\_\_\_

Изоҳ: апелляция чет тилини билиш, уни эгаллаб олиш даражасини аниқлаш ва малака сертификати бериш тўғрисидаги низомга мувофиқ кўриб чиқилади. Апелляция натижалари бўйича хулоса ёзма шаклда тақдим этилади.

2 (606)-сон

— 15 —

14-модда

Чет тилини билиш даражасини аниқлаш  
ва малака сертификати бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ АПЕЛЛЯЦИЯ  
КОМИССИЯСИНING ХУЛОСАСИ**

Талабгорнинг  
Ф.И.О.: \_\_\_\_\_

Талабгорнинг  
махсус коди: \_\_\_\_\_

Чет тили: \_\_\_\_\_

Ариза қабул  
қилинган сана: \_\_\_\_\_

Талабгорнинг даъвоси:

---

---

---

---

---

---

Текшириш натижаси:

---

---

---

---

---

---

Апелляция комиссиясининг қарори:

---

---

---

---

---

---

Апелляция комиссияси раиси: (Имзо) \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

**14-модда**

**— 16 —**

**2 (606)-сон**

Апелляция комиссияси  
аъзолари:

(имзолар)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

Сана: \_\_\_\_ \_\_\_\_ \_\_\_\_

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 31 декабрдаги 352-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги малака  
сертификатининг давлат намунаси**

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги**  
**давлат тест маркази**

**REPUBLIC OF UZBEKISTAN STATE TESTING CENTER**  
**UNDER THE CABINET OF MINISTERS**

**ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИ ТЎҒРИСИДА  
СЕРТИФИКАТ**

**CERTIFICATE  
OF FOREIGN LANGUAGE PROFICIENCY**

Сертификат № | Certificate Number

Талабгор тўғрисидаги маълумотлар | Candidate Details  
Талабгорнинг шахсий коди | Candidate ID  
Фамилияси | Family Name  
Исми | First Name  
Отасининг исми | Middle Name

Чет тили |  
Foreign Language

Даража |  
Level

Тест синови | Лексик ва грамматик  
натижалари | компетенция | Use of English

Аудиолаш |  
Listening

Ўқиш |  
Reading

Ёзиш |  
Writing

Сўзлаш  
Speaking

Умумий балл |  
Overall Score

Берилган санаси: |  
Date of Issue:

\_\_\_\_\_ гача ҳақиқий  
Date of Expire: \_\_\_\_\_

Директор |  
Director

\_\_\_\_\_ Имзо | Signature

\_\_\_\_\_ Ф.И.О. | Full Name

М.Ў. |  
Stamp Here

**(тавсифи)**

Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги сертификат А4 форматдаги оқ қоғозга офсет усулида босилади. Бунда бешта рангдан фойдаланилади: қора ранг — матн учун, яшил, кўк, қизил ранглар — расмларни тасвирлаш учун, оч жигарранг — фон учун. Варақнинг юқори қисмида 25 мм диаметрида Давлат герби жойлаштирилган.

Варақнинг қолган қисмига давлат тилида латин ёзувида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASI HUZURIDAGI DAVLAT TEST MARKAZI. CHET TILINI BILISH VA EGALLASH HAQIDA SERTIFIKAT», инглиз тилида «REPUBLIC OF UZBEKISTAN STATE TESTING CENTER UNDER THE CABINET OF MINISTERS. CERTIFICATE LEVEL OF FOREIGN LANGUAGE PROFICIENCY» сўзлари босилади. Сертификат олти рақамли тартиб рақамига эгадир. Матн оч жигарранг фонда гулдор нақш билан босилади.

Сертификат куйидагилардан фойдаланган ҳолда олти карра химояга эга:

- босишнинг икки усули — офсет ва юқори;
- ёрқин бўёқлар нур орқали нусха кўчиришни мураккаблаштириш учун;
- гулдор нақш;
- турли рангли нақшлар тўрларидан фойдаланиш йўллари билан ҳар хил ранглар ҳосил қилиш;
- махсус қоғоз;
- алмашиб турадиган рақамлардан тартиб рақами.